

**“ШЎРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,  
Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси 76-уй.**

**2026-йил 25-май.**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, С.Оллохёр кўчаси 32-уй, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **11:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **11:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **12:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 907 104 дона

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2026-йил 06-апрелдаги 01-12/13 - сонли таклифи инобатга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2026-йил 08-апрелдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2026-йил 30-апрелда ўтказилиши режалаштирилган бўлиб кворум йўқлиги сабабли 25-май куни ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана 2026-йил 29-апрель.

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядори 2 140 224 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан Тугатиш комиссияси раиси Қурбанов Шамситулло Аллаевич иштирок этмоқда.

Ш.Қурбанов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Ш.Қурбанов – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси в/б;

2. М.Қаюмов – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

3. Ф.Қорабоев – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси

Йиғилиш котиби этиб Х.Пўлатов – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Х.Пўлатовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2026-йил 29-апрел ҳолатига шакллантирилган “Шўрчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 624 та акциядорга тегишли 3 907 104 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 140 224 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 1 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А.Юлдошев-жамиятнинг Бош директори;

Т.Хужамшукров – жамиятнинг Бош бухгалтери;

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини ва Санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.**

**2. “Е-аукцион” савдо платформасида турган “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва “завод қоши” пахта қабул қилиш масканининг сотиб олувчилар учун киритилган шартларга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ш.Қурбанов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2026-йил 8-апрелдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ Бош бухгалтери – Хужамшукров Тўлқин Хасанович, Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – Пулатов Хужаяр Қобил ўғли, “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси – Қорабоев Фозил Абдухолиқовичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 140 224 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.  
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) Пулатов Хужаяр Қобил ўғли;
- 2) Хужамшукуров Тўлқин Хасанович;
- 3) Қорабоев Фозил Абдухолиқович.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича.** Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Қурбанов сўзга чиқиб, кун тартибидаги иккинчи масала бўйича сўзни жамият бош директори А.Юлдошевга берди.

“Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш Лойиха офисининг 25.02.2025 йилдаги № SX-12/48-сонли хатида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта қабул қилиш масканлари бино иншоотларини баҳоланган қийматда 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан “Шўрчи Инденим кластер” МЧЖ пахта тўқимачилик кластерига сотилганлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва “Шўрчи Инденим кластер” МЧЖ ўртасида 2022 йил 26-январда тузилган олди-сотди шартнома Денов туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 04-январдаги 4-1905-2201/3069-сонли ҳал қилув қарори билан бекор қилинганлиги маълум қилинган.

Шу сабабли, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли пахта қабул қилиш масканининг мол-мулкларини қонунчиликда белгиланган тартибда “Е-аукцион” савдо платформасига чиқарилиб сотилишини таъминлаш чораларини кўриш сўралган. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ, “завод қоши”, пахта қабул қилиш масканларининг бино-иншоотлари, асбоб ускуналарини баҳоланган қийматда “Е-аукцион” савдо платформасига чиқариш тўғрисида жамият томонидан баҳолаш ва экспертиза ишлари бўлиб ўтди.

Жамиятнинг бино-иншоотлари ва асбоб-ускуналари 01.05.2025 йил ҳолатига “VERITAS” МЧЖ томонидан 30 438 083 529 сўмга баҳоланган ва “SMART CONSULT” МЧЖ томонидан экспертизадан ўтказилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59, 75, 79 ва 84-моддаларида жамият мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар тузиш масалалари битимнинг қийматидан келиб чиқиб унинг бошқарув органлари ваколатлари доирасига киритилган.

Шунга кўра, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 12 майда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ мол-мулкларини “Е-auktion” савдо платформасига чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Йиғилиш раиси мазкур акциядорлар умумий йиғилиш қарорига асосан “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ мол-мулклари 2025-йил 12-майда аукцион савдосига чиқарилганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги №ПФ-70-сонли фармони чиққанлигини, фармоннинг 6-бўлим в бандига асосан тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналар активлари уч ой давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич баҳоси 50 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилган ҳолда сотиб олиш тўловларини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан савдоларга чиқарилиши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Е аукцион савдо платформасига бошланғич баҳоси 34 090 653 552,90 сўмга ҚҚС билан савдога чиқарилганлигини, 50 фоизгача пасайтирилиб, 17 045 326 776,45 сўмга тушганлигини маълум қилди.

Бундан ташқари Шўрчи тумани ҳокими томонидан 01.04.2026 йилда хат билан мурожаат қилганлигини, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖга қарашли ер майдонлари ва хўжалик биноларидан самарали фойдаланиш, келажакда тадбиркорлик субектлари ҳамда аҳоли учун қулай шароитга эга муҳитни яратиш мақсадида “Мастер режа” ишлаб чиқилганлигини маълум қилган. Шу боис аукцион савдосига қайта қўйишни таклиф этиб, аукцион савдоси шартларидаги “Барқарор кластер” жумласини тадбиркорлик субектлари учун сўзларига ўзгартириши ҳамда “Муддатли бўлиб тўлаш имконияти” билан савдога чиқарилишини сўраган.

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ мол-мулкларини (бино-иншоот ва асбоб-ускуналарини) сотиш бўйича “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖнинг

2026-йил 4-майда ўтказилган электрон-онлайн аукцино натижаларига кўра “DENAU BULDINGS” МЧЖ аукцион голиби (голиб таклифи 17897,6 млн сўм) деб топилиб, ОА-1335691-сонли баённома расмийлаштирилган.

Шўрчи туман ҳокими 2026-йил 13-майда 01-10/326-сонли хат билан “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарёпахтасаноат” ХБ АЖга мурожаат қилиб, қуйидагиларни маълум қилган:

“Туманимиз марказида жойлашган “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ фаолияти 2019-йилда тўхтатилган. Бўш турган пахта қабул қилиш пунктида пахта қабул қилиш эса жойлашуви нуқтаи назаридан қатор муаммоларни, тирбандликларни, ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.

Шу боис, туман аҳолисининг тез суръатларда ўсиб борётгани, уй-жойга эҳтиёж ошиб борётганлиги инobatга олиниб собиқ пахта заводи ҳудуди ўрнида “Sho'rchi EKO siti” қўп қаватли уй-жойлар массиви қурилиши режаслаштирилган.

Туманимиз фермер хўжаликлари билан ишлаб келатган пахта кластери “Jayhun klasteri” нинг қўшни Қумқўрғон туманида пахта заводи ва туманимизнинг Дўстлик маҳалласида жойлашган “Jayhun tekstil” текстиль фабрикаси мавжуд.

Ҳозирда туманимизда етиштирилган пахта хом ашёси кластерга тегишли Қумқўрғон туманидаги пахта заводида қайта ишлаб келинмоқда. Ушбу заводни ва текстиль фабрикасини кенгайтириш ҳам кластер томонидан режаслаштирилган.

Бугунги кунда Аукцион савдоларида голиб бўлган “DENAU BULDINGS” МЧЖ салоҳиятли субъект бўлиб, собиқ пахта заводи бино иншоотлари ва ер майдонлари учун голиблик баённомаси ва тўлов графигига кўра 17,897 млрд сўм маблағни ўз муддатида тўлаб бера олишини кафолатлаймиз.”

Юқоридагиларга кўра, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва “DENAU BULDINGS” МЧЖ ўртасида тегишли шартнома тузилган.

Йиғилиш раиси Ш.Қурбанов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

#### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 140 224 та овоз, “Қаршилар” – йўқ, “Бетарафлар” – йўқ, “Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Шўрчи туман ҳокимининг 2026-йил 1-апрелдаги 01-10/285-сонли, 2026-йил 4-майдаги 01-10/322-сонли ва 2026-йил 13-майдаги 01-10/326-сонли хатлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ бош директорининг 2026-йил 6-апрелдаги 01-12/13-сонли мурожаати ижро учун қабул қилинсин.


3. “Е-аукцион” савдо платформасида турган “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва “завод қоши” пахта қабул қилиш масканининг сотиб олувчилар учун киритилган шартларга тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025-йил 12-майда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан аукцион савдоларига чиқарилган “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ мол-мулклари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йил 21-апрелдаги ПФ-70-сонли Фармони талаблари асосида савдога чиқарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ мол-мулкларини (бино-иншоот ва асбоб-ускуналарини) сотиш бўйича “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖнинг 2026-йил 4-майда ўтказилган электрон-онлайн аукцион натижаларига кўра “DENAU BULDINGS” МЧЖ аукцион ғолиби ( ғолиб таклифи 17897,6 млн сўм) деб топилиб, ОА-1335691-сонли баённома расмийлаштирилган.

6. Электрон-онлайн аукцион натижаларига кўра ОА-1335691-сонли баённома асосида тузилган шартнома маъқуллансин, ва давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

  
Ш.Курбанов

Йиғилиш котиби:

  
Х.Пулатов

Йиғилиш баённомаси 2026- йил 04 -июнь куни икки нусхада тузилди.